

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 январь кунини Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, йирик инфраструктура объектлари ва корхоналар барпо этиш жараёнига чет эл инвестициялари изчил жалб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли иқтисодий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадиги ишлар пала-партиш бажариб келинганини таъкид остига олди.

Илгари ушбу соҳа раҳбарлари юқори рақамлар ортидан қувиб, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кўрсаткичларни ошириб кўрсатишни касб қилиб олган эди. Бунинг оқибатида ҳокимликлар ва тармоқ раҳбарлари ушбу «юк»ни бажариш учун молиялаштириш манбаси қафолатланмаган ва ташаббускори аниқ бўлмаган, худудлар ва тармоқлар ривожланишига мос келмайдиган самарасиз лойиҳаларни Инвестиция дастурларига киритишга мажбур бўлар эди.

Масалан, 2012-2017 йиллар давомида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,3 миллиард АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа инвестиция дастурларига киритилган. Кейинчалик уларнинг барчаси мақсадга мувофиқ эмас деб топилган ва ҳукумат қарорлари билан тўхтатилган. Энг ачинарлиси, мазкур лойиҳалар ҳужжатларини тайёрлашга 185 миллион АҚШ доллари сарфланган.

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш борасида ҳам қатор муаммолар бор. Бу жараён 15 йил аввал қабул қилинган қарорларда белгиланган мезон ва тартиблар асосида амалга ошириб келинган. Жумладан, лойиҳанинг техник иқтисодий асослари,

бизнес режаси ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг ваколатли органлар билан такрор ва такрор келишилиши оқибатида унинг экспертизаси белгиланган 15 кун ўрнига 6 ойгача чўзилиш ҳолатларига кўп маротаба йўл қўйилган. Бу инвестиция лойиҳасининг қимматлашиши ва рентабеллиги пасайишига олиб келган.

Маълумки, инвестиция дастурларига иқтисодий асосланган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар киритилиши зарур. Лекин илгари бундай ҳужжатлар лойиҳа инвестиция дастурига киритилгандан сўнг тайёрлаб келинган. Оқибатда лойиҳанинг дастлабки нархи ва тасдиқланган қиймати ўртасида баъзи ҳолларда ҳатто 80 фоизгача тафовут юзага келган. Бу бюджет маблағлари сарфи асоссиз равишда охиб кетишига сабаб бўлган.

Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарарлар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банklar балансига бериш амалиётига чек қўйилди.

Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишига қабул қилингандан кейин ҳам ўзини оқламаган — хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган.

Яна бир камчилик ўз вақтида бажарилмагани ёки ижроси чала бўлгани учун айрим лойиҳалар йилдан йилга, дастурдан дастурга ўтиб келган. Масалан, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказини лаборатория билан жиҳозлаш лойиҳаси дастлаб 2015 йилда, кейинчалик 2016 ва 2017 йилларда инвестиция дастурларига такроран киритилган.

Президентимизнинг 2017 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини

шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори юқоридаги каби таҳлиллар натижасида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда тармоқ ва худудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борадиги ишларни уч босқичда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Биринчи босқичда Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Ушбу Концепция тармоқ, худудий ва мақсадли иқтисодий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини амалга ошириш бўйича стратегик вазифаларни ўз ичига олган ҳужжат бўлади.

Иккинчи босқичда Ривожланиш концепцияси асосида мақсад ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган 3 йиллик, яъни 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳалар портфели шакллантирилади. Ушбу лойиҳалар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан келишиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида экспертизадан ўтказилади. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича батафсил календарь режаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда тасдиқланган 3 йиллик лойиҳалар портфели асосида Ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади. Бундан буюн Ривожланиш давлат дастурларига фақат дастлабки техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мажбур бўлган лойиҳалар киритилади, дея алоҳида таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат харидларини амалга ошириш, давлат дастури доирасидаги ҳужжатларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича комплекс экспертизанинг самарали тизимини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори соҳага оид яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузурида Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази ташкил этилди. Эндликда лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва

импорт шартномалари ушбу марказда экспертизадан ўтказилади.

Янги тартиб бўйича ишлар давом этаётгани боис 2018 йилги иқтисодий-иқтисодий ривожланиш лойиҳалари, истисно тариқасида, Президент томонидан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхати асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари тажриба тариқасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида лойиҳаларни энергиятежамкор, замонавий қурилиш ва энгил конструкцияли материаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш орқали уларнинг қийматини 20-30 фоизга арзонлаштириш амалиётини жорий этишни тақлиф қилди.

Иқтисод қилинган маблағлар тўлалигича мазкур лойиҳа жойлашадиган шаҳар ёки туман иқтиёрида қолади ҳамда ушбу худуднинг иқтисодий ва коммунал соҳа масалаларини ҳал этишга йўналтирилади, деди Президентимиз.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технокорлик асосланган ҳолда ишлаб чиқишда лойиҳа институтларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалдаги лойиҳа ишларини бажариш қоидалари ўтган асрнинг 60-70-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Шу пайтгача хорижий консултатларни жалб этган ҳолда бирорта ҳам янги лойиҳа институти яратилмаган. Худудларда бугунги талабларга жавоб берадиган лойиҳалаштириш ташкилотлари йўқ.

Ҳозирда лойиҳалаштириш институтларининг асосий мақсади лойиҳа қийматини баланд қилиб кўрсатиб, ундан тегишли юқори фоизли фойда олиш бўлиб қолган. Бугун буларнинг барчасига барҳам берадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев. «Ўзиниқиниринг» лойиҳалаштириш ташкилоти иқтисодиётнинг базавий тармоқларини лойиҳалаштиргани каби, қолган ҳужайра бирлашмаларида ҳам худди шундай мутасадди юқори малакали мутахассисларга эга бўлган ихтисослашган лойиҳа институтлари бўлиши керак.

Маълумки, лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига тўланадиган ойлик

харажатлари лойиҳанинг умумий қийматидан олинади. Яъни ушбу гуруҳлар муайян лойиҳани қанчалик кеч ишга туширса, шунча кўп манфаат кўради. Бу эса, ўз навбатида, лойиҳа нархининг сунъий равишда ошишига олиб келади.

Йиғилишда лойиҳалаштириш ишларини тақомиллаштириш, янги лойиҳа институтларини ташкил этиш, қурилиш-лоиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза қилишнинг мутлақо янги механизминини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари қарз, кредит ва грант маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгаш томонидан ташкил этиларди. Бу ваколатли давлат органларининг масъулияти ва ташаббускорлигини пасайтириб, орқича бюрократик тартиб-таомиллар ва харажатларга олиб келарди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 декабрдаги «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлигининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан давлат бошқаруви органларининг етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Барча даражадаги ҳокимликлар ушбу давлат органлари билан биргаликда иш олиб боради.

Бундан кейин Инвестиция дастури каби Ривожланиш давлат дастурига ҳам пухта ишланмаган, молиявий манбаси ва эгаси аниқ бўлмаган, фақатгина битимларда қолиб кетадиган лойиҳаларни киритиш амалиёти тақдорланган, тегишли раҳбарлар қонун олдида жавоб беради.

Йиғилишда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилон фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини тақомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Ислоҳотлар тақдири худудларда ҳал бўлади

Варганзани кўрмасиз, армонда қолибсиз...

ЎзХДП фаоли Зиёдулло Мирзаевнинг тақлифи билан тоғлар бағридаги қишлоқларда улкан ишлар бошланди.



Китоб тумани ҳокимлигида ўтган бир йиғилишда Зиёдулло Мирзаев сўз олиб, Варганза ва бошқа тоғ қишлоқлари аҳолисини қийнаб келаятган қатор муаммоларни очиб айтди. Унинг мулоҳазалари инобатда олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 январдаги Қашқадарё вилояти ҳудудларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарорига киритилди.

Ушбу қарордан сўнг варганзалликлар учун қандай имкониятлар яратилиши билан қизиқиб, Зиёдулло Мирзаевнинг хонадонига бордик.

«Варганза» сўзининг маъносини тархил таърифлашди. Асосан икита ҳамин ҳақиқатта яшайди. Биринчиси, Варганза — шамол қони, дегани. Иккинчиси, Бухоро йқинида Вардонза деган қадим шаҳар бўлган. Ҳа эрдан қўниб бу худуда ўрнашганлар ўз қишлоқларини «Вардонза», деб аташган. Бу сўз кейинчалик Варганзага айланиб кетган, дейишди. Нима бўлганда ҳам бу қишлоқ гўзал бир маскан. Қатарбоғ, Богибаланд, Богишамол, Хирмонжой, Хўжадашанбе, Чуқурак каби қишлоқлардан иборат.

экан. Отахон 1942 йили урушга кетиб, қирқ тўққизинчи йилда қишлоғига қайтганини хикоя қилиб берди. Салкам ярим аср бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлабди. Дарвозада Президентимиз совғаси — янги «Дамас» машинаси. Давлат раҳбаридан миннатдор бобо барчамизни дуо қилади.

Қўш қаватли мактабга етиб келамиз. Варганзада уч тожик ва битта ўзбек мактаби бор. Биз борган 52-мактабда 840 нафар ўқувчи таълим олаяпти, дарслар тожик тилида ўтилади.

Варганзада икки тип бирдек ардоқли, икки миллатта мансуб ўнлаб ёшлар турмуш қуришган. Олий маълумотли, тадбиркор Ғайбулло Тўрақулов хонадонида бўлди. Унинг турмуш ўртоғи Ҳақиммахон Собиров ва Андижоннинг Хўжаобод туманидан келин бўлиб тушган экан.

— Ўғил-қизларни ўстирдик, уйли-жойли қилдик, невараларимиз бор, — дейди Ҳақиммахон. — 100 туп аноримиз бор, даромадимиз ёмон эмас. Келин бўлиб тушганимга ҳам йигирма тўрт йил бўлибди. Варганзада чеварлар, хунармандлар кўп.

— Чеварларни тўплаб, иш бошладим, — дейди унинг қўшниси Муаттар Ортиқова. — Ҳозир 40 нафардан ортиқ чевар меҳнат қилаяпти. Уларга иш ҳақи тўлаймиз. Меҳнат дафтари ошган. Адирларга ёндош Чортепанинг иккинчи қирғи кўтарилди. Зиёдулло Мирзаев қишлоқда хунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳақида хикоя қилиб боради. Ҳозир қишлоқда 3 новвойхона, автомобилларни таъмирлаш устанонаси, 10 ўринли хусусий шиғоҳона ишлаб турибди. Тадбиркор

уй соҳиби Исқандар Остонов. — Бирга ишлаймиз. Жами 3,5 гектар ерда анорзор, 3 гектар майдонда узумзор барпо этганимиз. Узим танлаб, саралаб, 320 туп Дашнобод анорини кўкартирганман.

Қаранг, варганзалликларнинг суҳбати анордан бошланиб, анордан тугайди. Қўва ва Дашнобод анорлари ҳам яхши, бирок ҳеч қайсиси Варганза анорига тенглашолмайди, дейишди.

Олий маълумотли агроном, 76 ёшга тўлган Кўпайсин Маҳмудалиев шундай дейди:

— Варганза анорининг ўндан ортиқ тури бор. Ҳаммаси ширин. Бир олим менга анор шарбати қони янгилаши, умрга умр қўшиши ҳақида гапириб берганди. Анорзорлар кўпайса, халқимиз соғлом, дастурхони янада тўкин бўлади.

Адирларга ёндош Чортела... Айлан-айланиб, яна пойга келдик.

Зиёдулло Мирзаев янгиликлардан хикоя қила кетди. Илгари битта қишлоқ фуқаролар йиғини 21 минг аҳоли яшайдиган тоғ қишлоқларини бирлаштириб келаятган экан. Бу йил 6 минг аҳоли яшайдиган Башир МФЙ ажралиб чиқибди. Варганзанинг ўзи 3 МФЙга бўлинибди. Иккитаси Богибаланд, Анорзор, деб аталаркан. Учинчи 6 минг аҳоли яшайдиган Варганза МФЙ раислигига яна Зиёдулло Мирзаев сайланибди.

— Одамларимиз мураккаб шароитда ҳам йўл очиб, сув чиқариб иморат, иссиқхона қуришяпти, анорзор барпо

этишяпти, — дейди у. — Бизда ер ҳисоб-китоби. Жами 132 фермер ва 120 деҳқон хўжалиги ташкил этилган. Яна 345 гектар ер томоркага ажратилган. Баъзи ҳисобларга кўра, фермерлар 1200 тонна, аҳоли 4 минг тоннагача анор етиштиряпти. Ўтган йилнинг 17 августда қишлоғимизга вилоят ҳокими, ҳукумат вакиллари келишиб, аҳолини ўрганишди. Ушундан мен 30 йилдан буюн ишламай ётган Варганзадаги насос станцияларни таъмирлашга, яна 500 гектар ерда анорзор, боғлар ташкил этиш, одамларни иш билан таъминлаш мумкинлигини айтдим. Ҳақиқатда 18 сентябрь кун Китоб туман ҳокимлиги мажлисхонасида яна ҳукумат вакиллари қатнашган катта йиғинда сўз олиб, фикрларини батафсил баён қилдим. Президентимизга минг раҳмат, у кишининг раҳбарлиги остида алоҳида қарор чиқиб, тақлифларимиз инобатга олинди. Жорий йилдан эски насос станцияларни таъмирланиб, лойқа босган канал тозаланса, ерларни сугориш кекин яхшиланади. Янги «Оқбўй» насос станцияси сувни 3550 метр баландиликка етказиб беради. Ҳақиқатда 500 гектар узумзор, анорзорлар барпо этилади, одамлар ишли бўлади...


Варганзага ишчи гуруҳи раҳбари бўлиб келган, «Аму-Қашқадарё сугориш тармоқлари ҳавза бошқармаси» бошлиғи Ботир Раҳимов Варганза қишлоғи ариқларига сув чиқарадиган иншоотлар лойиҳаси билан таништирди. Ушбу мақсадлар учун катта миқдорда маблағ ажратилибди. Асосий ишлар жорий йилда бошланади. Демак, тоғ бағрида яшаётган варганзалликлар учун яхши ҳаёт, фаровон турмушни қафолатлаётган ҳужжат ҳаётга татбиқ этилади.

Гўзал тоғлар этагидан қайтаётиб, хушманзара, сўлим қишлоқлар кўз ўнгидан кетмайди, очик кўнгли, меҳнаткаш, тадбиркор одамлар сўзларини эслаб кўнгли кўтарилди, завлланасан киши. Қандай гўзал маскан, қандай дилкаш одамлар... Хаёлга беҳиқиб бир фикр келди: Варганзани кўрмасиз, армонда қолибсиз...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат харидларининг сирли олами қандай тартибга солинади?

Давлат харидлари нима, деган саволга китобий тилда жавоб берадиган бўлсак, гапимиз бироз чўзилиб кетади. Умуман, «харид» ўзи нима, деган саволнинг жавобини эса ҳаммамиз яхши билемиз. Ҳаётининг зарур эҳтиёжларимиз учун, кундалик рўзгоримиз учун хар кунни бўлмасаям кунора нималардир харид қиламиз. Ҳеч нарса харид қилмасдан, ҳеч нимага эҳтиёж сезмасдан яшаш мумкин бўлмаганидек, давлат ҳам халқ олдидаги вазифаларини бажариш учун хар йили керакли маҳсулотлар ва хизматларни харид қилади. Содда қилиб айтганда, давлатнинг ҳам ўз рўзғори бор.



Бу жуда оғир вазифа қатъият билан бажарилмаса, бир – икки рўзгорга эмас, давлатнинг улуг рўзғорига зиён келади, халқнинг ризқи қийилиб, одамларга кўп заҳмат етади.

Фақат бу рўзгор тасаввуримиздагидан анча катта. Унинг харидлари биз бозорга олиб чиқадиган харажатлар рўйхатидан бир неча миллион, балки миллиард марта улкан ва мураккаб бўлади.

Маълумотларга кўра, давлат харидларининг миқдори ривожланиш даражаси ва иқтисодий қудратига қараб дунёнинг турли давлатларида турлича. Бу харидлар аксарият мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан 30 фоизгача бўлган миқдорни ёки давлат бюджетининг қарийб учдан бир қисмини ташкил қилади. Ҳеч қандай ҳисоб-ҳитобсиз, ҳомчўтсиз ҳам бу харидларнинг бўй-бастини кўз олдимизда тасаввур қилиб кўришимиз мумкин...

Рўйхат чўзилган, ишлатиладиган маблаг миқдори оғирлашган сари бозорга олиб чиқилган турхалта ҳам катталашаверади. Пул тўтқа, харажат катта, демас, маъсулият, жавобгарлик ҳам шунга яраша бўлиши керак. Нимга десангиз, бу югуриб бориб, кўча бошида турадиган, бутун қишлоқ танийдиган инсофли амакиннинг дўжончасидан икки кило картошка ёки сабзи олиб келиш эмас.

Шунинг учун давлат харидларини ўзига хос сирли ва мураккаб олам, деб аташга ҳам оламда танишларга ҳам, нотанишларга ҳам ишончи қийин. Нотанишлар кўлайса, «буларда инсоф, диёнат бормикан?», деб хавотирланасан, таниш-билишларга кўлайса, сал ўтмай коррупциянинг бадхўр хиди кела бошлайди.

Ўзи аслида мақолани шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганидан бошлашимиз керак эди. Лекин ундан олдинги бир-бири билан боғлиқ жараёнларга эътибор қаратмасак, гапимиз чала қолар экан.

Энг аввал 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат органлари фаолияти, жумладан, давлат харидларини амалга ошириш масаласида очқилик ва шаффофлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганини айтишимиз лозим.

Эслаб кўрсак, ўтган йилнинг бошида Президентнинг тегишли қарори билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган кор-

рупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланган эди. Ушбу ҳужжатда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, хусусан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш шулардан бири эди.

Қонун лойиҳасида бир қатор ўткир масалалар қамраб олинган кўзда тутилганди. Жумладан:

давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари;

давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг муштарак ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш; электрон харидларни янада ривожлантириш...

Мураккаблик шундаки, керакли қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан давлат харидларига алоқадор бири-бирдан чигал муаммоларга өчим, минг турфа қинғирликларнинг томирига йўл топиб бўлмайди.

Буни кенгроқ тушунишимиз учун давлат раҳбарининг яна бир фармонини эста олиш керак бўлади. Бу Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармондир.

Фармонда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга гов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўқинлик қилаётган қатор камчиликлар борлиги таъкидланди. Давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминловчи (давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган) ягона ахборот майдонини яратиш вазифаси қўйилди. Давлат харидлари ягона ахборот портални жорий йилнинг бошидан ишга тушириш белгиланди.

Олий Мажлис Сенатининг ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама

қилинаётганда соғлиқни сақлаш тизими-га ажратилган бир неча ўн миллиард сўм маблаг ўзлаштирилмай қолгани маълум қилинганди. Бунинг асосий сабаби нимада эди?.. Соғлиқни сақлаш вазир бунга изоҳ берадиган, дори-дармонларни хориждан бир неча баробар оширилган нархларда олиб келишга йўл қўйиб берадиган шартномалар бекор қилинганга эътибор қаратган эди. Мана шу мисолнинг ўзи ҳам давлат харидлари бўйича шаффоф, энг муҳими, ҳалол тизим яратиш нақадар кечиктириб бўлмас вазифа эканини, бунга қўлгошимизга кўроғиндек қўйиб олишимиз шартлигини исботлайди.

Давлат нафақат хориждан, шу билан бирга, ўзимизнинг қорақўз деҳқон фермерлардан, жонқуяр ишлаб чиқарувчиларимиздан ҳам харид қилади. Эҳҳо, бу ишларда шу вақтгача бошимиздан қанча савдолар ўтган, бунга ҳудо билади...

Қарор ва фармонлар қабул қилинибди, мана, яқинда қонун ҳам қабул қилинар экан, давлат харидларининг сирли олами қатъий тартибга солинаркан, қийинчиликлар, хато-лар орда қолибди, деб хулоса қилиш, албатта, гўр одамнинг иши бўлади. Аксинча, бу йўналишдаги кенг қамровли ўзгаришлар, ислохотлар энди-энди бошланяпти. Ҳозирча халқимизни хотиржамликка ундайдиган нарса — умид қилиш учун етарлича асослар бор.

Давлат харидлари билан боғлиқ нопок йўлларни тўсиш, бу эски йўлдаги эгри-бугри кўприкларни бутунлай ёқиб юбориш учун қаттиқ кураш кетаяпти. Бу жараёнда парламентимиз яқин орада мароминга етказиши кутилаётган қонун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўпчилик яхши тушунади.

Экин экиладиган ерни ажрик, деган ярамас ўтдан охиригача тозалаш бола-лигимизда энг қийин иш бўлиб туяларди. Унинг тирноқдай парчаси ҳам кейинчалик кўпайиб кетади, ҳосилнинг шўрини қуритади, деб кўп айтишарди. Давлат харидларида коррупцияни йўқотиш, билмадим, негадир ажрик тозалашдай мураккаб омуш бўлиб туяларди. Қийинликка қийин, лекин эпласа бўлади. Халқимиз ҳаётда бундай қийинчиликларнинг кўпини енгиб ўтган.

Қарорга қайтадиган бўлсак, унда давлат ва корпоратив харидлари тизимини илгор тажрибани, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу орқали очқилик ва шаффофлиқни таъминлаш чоралари белгиланди.

Олий Мажлис Сенатининг ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама

қилинаётганда соғлиқни сақлаш тизими-га ажратилган бир неча ўн миллиард сўм маблаг ўзлаштирилмай қолгани маълум қилинганди. Бунинг асосий сабаби нимада эди?.. Соғлиқни сақлаш вазир бунга изоҳ берадиган, дори-дармонларни хориждан бир неча баробар оширилган нархларда олиб келишга йўл қўйиб берадиган шартномалар бекор қилинганга эътибор қаратган эди. Мана шу мисолнинг ўзи ҳам давлат харидлари бўйича шаффоф, энг муҳими, ҳалол тизим яратиш нақадар кечиктириб бўлмас вазифа эканини, бунга қўлгошимизга кўроғиндек қўйиб олишимиз шартлигини исботлайди.

Давлат нафақат хориждан, шу билан бирга, ўзимизнинг қорақўз деҳқон фермерлардан, жонқуяр ишлаб чиқарувчиларимиздан ҳам харид қилади. Эҳҳо, бу ишларда шу вақтгача бошимиздан қанча савдолар ўтган, бунга ҳудо билади...

Қарор ва фармонлар қабул қилинибди, мана, яқинда қонун ҳам қабул қилинар экан, давлат харидларининг сирли олами қатъий тартибга солинаркан, қийинчиликлар, хато-лар орда қолибди, деб хулоса қилиш, албатта, гўр одамнинг иши бўлади. Аксинча, бу йўналишдаги кенг қамровли ўзгаришлар, ислохотлар энди-энди бошланяпти. Ҳозирча халқимизни хотиржамликка ундайдиган нарса — умид қилиш учун етарлича асослар бор.

Давлат харидлари билан боғлиқ нопок йўлларни тўсиш, бу эски йўлдаги эгри-бугри кўприкларни бутунлай ёқиб юбориш учун қаттиқ кураш кетаяпти. Бу жараёнда парламентимиз яқин орада мароминга етказиши кутилаётган қонун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўпчилик яхши тушунади.

Экин экиладиган ерни ажрик, деган ярамас ўтдан охиригача тозалаш бола-лигимизда энг қийин иш бўлиб туяларди. Унинг тирноқдай парчаси ҳам кейинчалик кўпайиб кетади, ҳосилнинг шўрини қуритади, деб кўп айтишарди. Давлат харидларида коррупцияни йўқотиш, билмадим, негадир ажрик тозалашдай мураккаб омуш бўлиб туяларди. Қийинликка қийин, лекин эпласа бўлади. Халқимиз ҳаётда бундай қийинчиликларнинг кўпини енгиб ўтган.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Фракция фаолияти: таҳлил ва таклиф

Ваколатлардан самарали фойдаланиш учун нима қилиш керак?..

Ҳотамжон Кетмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Бундан буён қонунлар ижроси уч босқичда ўрганилади. Яъни, аҳоли орасидаги ўрганишлар натижасида қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланади. Шу билан бирга, ишламаётган, «ўлик» қонунлар ҳамда нотўғри қабул қилинган ёки халқ манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар, қонунности ҳужжатлари юзасидан ҳам таклифлар тайёрлаб боришимиз лозим.

Парламент аъзолари ҳудудларга чиққанда ижро ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳам кенг жалб этилади. Бу депутатга ўз ваколатларидан кенг ва самарали фойдаланиш имконини беради. Бизнинг вазифамиз эндиликда масалани шунчаки ўрганишмас, балки муайян муаммони таҳлил қилиш, уни ҳал этиш йўлларини топишдан иборат бўлади. Аввало, муаммонинг келиб чиқиш сабаби ўрганилади. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, таклифлар тайёрланади. Акс ҳолда, вазият ўзгармайди.

Абдуғаффор Қирғизбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Энг аввало, фракция аъзоларига нисбатан кўмита раислари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг муносабати ўзгариши керак, деб ўйлайман. Айрим ҳолларда фракция иши кўмита ишидан муҳиммас, деган вақтлар билан депутат бошқа топшириқларга йўналтирилади. Бу ўз навбатида қонун ижодкорлиги сифатига салбий таъсир қилаяпти. Киритилаётган нормаларни пухта ўрганишдан, кўр-кўрона тасдиқлаш билан ҳеч кимга наф қелтирмайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Депутат халқ вакили эканини унутмаслигимиз керак.

Дилмурод Саъдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Депутатларда қонун ташаббускорлиги сустлиги бор гап. Бунинг боиси, депутатга вақт ҳамда таҳлил етишмайди. Таҳлил етишмаслигига сабаб — депутат бир киши. Партия эса катта куч. Фаоллар депутатларга доимий равишда ўз таклифларини бериб бурса, маълумотлар кўпаяди, таклиф ва ташаббускорлик ортади, деб ўйлайман. Шунинг учун партия ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Аваз Ўринбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Менинг фикримча, депутатлар ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури билан яқиндан танишиб бориши керак. Бунинг учун кўлимизда аниқ маълумот, ижро этиш тартиби бўйича тасаввурга эга бўлишимиз зарур. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак. Чунки уларда ҳудудларнинг ҳолати бўйича хабардорлик имконияти кўпроқ. Парламент аъзолари келишини кутиб ўтирмасдан, доимий равишда ахборот алмашинуви йўлга қўйилиши керак. Бу назорат-таҳлил ишини қучайтиришга хизмат қилади.

Бунёд Эшонқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Шу фикрга бир қўшимча қилмоқчи эдим. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда партия ўртасидаги ҳамкорлик тартибини ишлаб чиқишимиз керак. Озгаси айтмасдан, бу борада аниқ механизм яратишимиз зарур. Қонунга таклифлар тайёрлаш бўйича партия ташкилотларига ҳам вазифа юклатилса, ташаббускорлик ортади. Ана шунда Мурожаатномада таъкидланган фикрлар, белгиланган вазифалар ижроси таъминланади, депутатлар ҳам, партия етакчилари ҳам севрақ ортади, деб ўйлайман.

Алия Юнусова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ваколатларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишга тўсиқ бўлувчи объектив ва субъектив сабаблар бор. Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида маблаг талаб қиладиган таклифлар билдирилса, Молия вазирлиги томонидан ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмаган. Кўп ҳолларда эътирозларимиз инобатга олинмаган. Бу нормага тегиш мумкин эмас, деган кўрсатма бериларди. Натижада депутат ваколати бир четда қолиб кетарди.

Масалан, бола асраб олиш билан боғлиқ қонун лойиҳаси тайёрладиқ, инобатга олинмади. Женева конвенциясининг ҳар бир йўналиши ёки «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича берган таклифларимиз ҳам қозғола қолиб кетди. Чунки моддий ресурс билан боғлиқ ташаббуслар амалга ошиши қийин. Шу боис депутатлар иши, кўрсатган ташаббуси кўзга кўринмасди.

«Мумкин эмас», «бу қатъий норма ўзгартирилмасин», «тезлаштириш керак» каби баҳоналар билан фикрларимиз рад этиларди, натижада «ўлик» нормалар юзга келган. Бундан буён қатъий регламент асосида фаолият олиб бориш талаб этилади. Қонунчиликда белгиланган меъёrlарга қатъий амал қилиш, регламентдан чиқмаслик депутатнинг асосий бурчларидан биридир. Халқимиз ҳамда халқаро экспертлар олдида турмушимизни йўқотмаслик учун ўз позициямизда қаттиқ туришимиз керак. Қонун лойиҳаларини пухта ва атрафлича ўрганиб, кейин қўшимча ва ўзгартириш киритишни илгари суриш, ҳаётини таклифларни беришимиз шарт.

(Давоми, бошланғич 1-бетда)

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Жамоат ишлари жамғармасига жорий йилда 714 миллиард сўм ажратилди

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш ишларига янада катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бандлик соҳасида янгича ёндашувларни жорий этишга хизмат қилаётди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди.

Айни вақтда жамғарма қандай ишлари амалга оширяпти? Ушбу савол билан жамғарманинг ижрочи директори Салоҳиддин Самадовга мурожаат қилдик.

— Ҳозирда жамғарма маблаглари

ҳисобидан банд бўлмаган аҳоли жамоат ишларига босқичма-босқич жалб этилмоқда, — дейди у. — Аниқроқ айтганда бўлсак, эндиликда банд бўлмаган фуқароларнинг ихтиёрига кўра улар туман, маҳалла ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш, уй-жой фонди, коммунал ва бошқа инфратузилма объектларини, кўчалар, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш, ногирон, кексалар ва беморларга кўмаклашиш, турли объектларни қуриш сингари ишларга жалб этилади.

Бундан ташқари, банд бўлмаган шахслар ёхуд ишсиз кишиларни иш қидириш даврида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари қўриляпти. Шунингдек, турли сабабларга кўра, яъни илгари бола тарбияси, бемор ва кекса оила аъзоларини парваршилаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва бошқа сабаблар билан маълум вақт касбий фаолият билан шугулланмаган шахслар

меҳнатини реабилитация қилиш йўлга қўйилди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш қўйидагича ташкил этилади. Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ношижорат ташкилотлар томонидан жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва банд бўлмаган шахслар иш ҳақининг 50 фоизи Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан тўланади. Қолган 50 фоизини ушбу ташкилотларнинг ўзи тўлаб беради. Бундан ташқари, бюджет ташкилотлари, маҳалла ва давлат идоралари томонидан жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва банд бўлмаган шахсларнинг иш ҳақи 100 фоиз жамғарма маблағларидан тўланади.

Ўтган йилда республикамизнинг 14 ҳудудидан 20 та шахар ва туманида ташкил этилган 11600 нафардан зиёд ишсиз аҳоли жамғарма томонидан жамоат ишларига жалб қилинди ва уларга 12 миллиард сўмдан ортиқ маблаг тўлаб берилди.

Хусусан, пойтахтимизнинг Сергели туманида 272 нафар ишсиз фуқаро жамоат ишларига жалб этилиб, жамғарма томонидан уларга 2017 йилнинг ноябрь ойида 153 миллион сўм, декабрь ойида эса 172 миллион сўм миқдорда маблаглар сарфланган.

Жорий йил 1 январидан бошлаб эса республикамизнинг барча шахар-туманларида банд бўлмаган аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига фвол жалб қилинади. Уларнинг бажарган ишларига ҳақ тўлаш мақсадида давлатимиз томонидан жамғармага 714 миллиард сўм маблаг ажратилди.

Бундан ташқари, ишчиларни турли объектларга олиб бориб келиш, улар учун қўлай шароит яратиш мақсадида аҳолининг бандлигига кўмаклашиш марказлари «Damas» автомашинаси билан таъминланди.

— Иш билан банд бўлмаган фуқарога бир ойга иш ҳақи қанча миқдорда белгиланган? Шунинг-

дек, ҳозирданок корхона-ташкilotлар бизга ишчи кучи зарур, деб мурожаат қилдимми?

— Ишсиз фуқароларимиз ишлагани учун бир ойда энг камда 500 миң сўмдан зиёд ойлик иш ҳақи олади. Чунки бу миқдордаги пулнинг оладиган фуқаромизнинг бирон касби ёки ҳунари йўқ. Янада аниқроқ айтганда бўлсак, қурилишда умуман ишламаган одам гилт терилиши билмайди, яъни унинг малкаси йўқ. Шу боисдан ишт терувчига ёрдамчи бўлиб ишлайди.

Энди иккинчи саволнингизга тўхталаядиган бўлсам, ҳозирданок бизга кишлоқ ҳўжалиги соҳасидан 2018 йил учун 240 миң нафар ишчи кучи зарурлиги тўғрисида буюртма келиб тушган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ва турли ташкилот ва корхоналардан ҳам мурожаатлар бўлмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Махсус мактаб — интернатдаги шароитдан кўнгиладими?

Мамлакатимизда ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар урганиши учун барча шароит яратиб берилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ҳар томонлама қўлай таълим муассасалари бунёд этилиб, мавжудлари тегишли дастурлар асосида капитал ва жорий таъмирланаётган. Ўқув ва лаборатория қурулловлари, компьютер ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш ҳам муаммо эмас. Гап ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш, ўқиш сифати ва самарадорлигини оширишда.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 63-махсус ёрдамчи мактаб-интернатда ҳам болалар учун давлатимиз томонидан зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли ушбу таълим муассасасида бугунги кунда 297 нафар ўқувчи таҳсил олаётган. Уларга 106 нафар ўқитувчи ва тарбиячи сабоқ беради.

Муассаса раҳбари М.Самидуродовнинг айтишича, дастур асосида 2013 йилда мактаб ётоқхонаси таъмирланиб, ўқувчилар учун замонавий қўлайликлар яратилган. Табиий газ ва кўмир билан иситишга мўлжалланган қозонхона ўрнатилган. Газ босими пасайганда кўмрдан фойдаланиш экан. Утган йили эса 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланиб, ўқув биноси ва спорт зали капитал таъмирланган. Бино иситиш тизими янгиланган. Жорий мавсум учун мактабга 69 тонна кўмир ажратилган. Лекин айрим синфларда ўқитувчи ва ўқувчилар пальтода ўтиргани бинонинг етарли даражада иситилмаётганини кўрсатади.

Мактаб ҳовлисида ташкил этилган иккита иссиқхонада бугунги кунда кўкват ва лимон парваришланаётгани эътиборга лойиқ, албатта. Аммо ана шу катта ҳовлидаги болалар майдончалари ва спорт майдонларининг қаровсизлиги, маънан эскирган қурилмалардан фойдаланилаётгани тушунарсиз. Ётоқхона биноси олдидagi болалар майдончасидаги ўтиргич ва ўйин қурилмалари аллақачон яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Йўлақар четидаги панжараларга болаларнинг ювилган кийим-кечақлари илиб қўйилганини кўриб, нахотки муассасада кирхона бўлмаса, деган савол ўтди кўнглимиздан. Кирхона бор экан, бунинг устига замонавий ювиш, қуритиш, дазмонлаш ускуналари ҳам ўрнатилган. Шундай имконият бўлганда, нега кир ташқарида қуритилмоқда, деган саволимизга кирхона бекалари «бу тарбиячиларнинг иши-да» деб жавоб беришди.

Ҳовлидаги ҳожатхона антисанитария ҳолатида бўлиши баробарида, болаларнинг юз-қўл ювишига мўлжалланган воситалар ҳам ўтган асрдан мерос қолган эскираган ускуна — сув қувири бир неча жойдан тешиб қўйилган, холос. Энг ёмони, мактаб ҳудудидаги нечта сув жўрагини кўрган бўлсак, барчасидан тоза ичимлик суви оқиб ётган эди. Мактаб учун алоҳида артезиан қудуғи мавжуд ва ичимлик сувидан муаммо йўқ. Лекин бу ушбу азиз неъматни исроф қилиш керак, дегани эмас-ку!

“ Утган йили эса 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланиб, ўқув биноси ва спорт зали капитал таъмирланган. Бино иситиш тизими янгиланган. Жорий мавсум учун мактабга 69 тонна кўмир ажратилган. Лекин айрим синфларда ўқитувчи ва ўқувчилар пальтода ўтиргани бинонинг етарли даражада иситилмаётганини кўрсатади.

Муассаса ходимлари ётоқхонада ҳар томонлама қўлай ҳожатхона, ювиниш хоналари борлигини айтишди ва қўлланган бу хоналарни очиб кўрсатишди. Ҳақиқатдан ҳам, сув иситиш воситалари ўрнатилган. Лекин улардан қанчон фойдаланилади, юз-қўл ювишга мўлжалланган битта нуқтадан (унда ҳам иссиқ сув йўқ) бир вақтда нечта бола фойдалана олади — буниси бизга қоронғулигимиз қолди.

Ётоқхоналарда диванлар қўйилган. Аммо бу ерда кийим-кечак, шахсий гигиена воситаларини сақлаш имконияти йўқ. Мазсуллар бу воситалар ҳар бир гуруҳнинг ишчи хонасида сақланишини айтишди. Лекин биз кўрган битта ишчи хонада ҳам кийим-кечак сақлаш учун шкаф, амалда фойдаланилаётган шахсий гигиена ашёлари тўлиқ эмас эди. Бошқа ишчи хоналар калити тарбиячиларда экани сабабли уларни кўришнинг имкони бўлмади.

Уғил болаларга мўлжалланган учинчи қаватда бирорта ҳам ишчи хона йўқ. Бундан шундай хулоса чиқадими, бу қаватда турадиган ўқувчилар сочиғи, совун ёки тиш пастасини олиш учун биринчи ёки иккинчи қаватга тушиши керак.

Ошхонага киришда ўқувчилар кийимини ечиб қўйишлари учун шкаф ёки илгичлар йўқ. Бу ерда ҳам қўл ювиш воситалари мавжуд, аммо улардан яқин орада фойдаланилмагани шундоқ кўриниб турибди.

Ўқувчилар саломатлигини доимий назорат қилиш учун муассасада икки шифокор ва икки ҳамшира фаолият кўрсатар экан. Биз муассасада бўлганимизда, афсуски, бир нафар ҳамширадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Кўрганларимиз, эшитганларимиздан шундай хулоса қилиш мумкин: мактабда ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун давлат томонидан нимаки зарур бўлса, яратилган. Лекин, муассаса жамоаси-чи? Шунга муносибми? Очиги, бу саволга тасдиқ жавобини бериш қийин. Шундай экан, жамоа ҳам замон талаби даражасида ишлаши, янгиланган интилиши, ташаббус кўрсатиши ва энг муҳими, ўқувчиларни ўз фарзандидек кўриши лозим. Инсон ўз фарзандига фақат яхшиликни, қўлайлик яратишни истайди, унинг келажагини ўйлайди-да.

Ғолиб ҲАҲАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Матбуот анжумани

«Ички туризм ҳақидаги саволни кутгандим...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати қошида ташкил этилган Пресс-холлда навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди. Унда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унинг мамлакат иқтисодидеги аҳамияти ҳақида ахборот берди.

Анжуманда бугунги кунда мамлакатимизда туризм салоҳиятини тубдан янгилаш, тизимда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилиш, хавфсиз туризм концепцияси, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорига олиб чиқиш ҳамда бошқа муҳим масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, туризм соҳасининг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги «Туризм тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани ҳамда улардан 22 таси қабул қилингани таъкидланди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкин, утган йили мамлакатимизга 2,5 миллион сайёҳ ташриф буюрган, туризм хизматлари экспорти 1 миллиард 557 миллион долларни ташкил этган. Туроператорлик хизматларини кўрсатувчи 128 тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 561 тага етган.

Ҳозирда туроператорлик ва меҳмонхона фаолиятини сертификатлаштиришнинг тасдиқланган янги низоми бўйича ўтган давр мобайнида жами 442 та туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари, яъни 221 меҳмонхона ва 221 та туроператорлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар сертификатланган бўлса, туризм фаолияти субъектларини лицензиялашнинг янги низоми асосида 128 тадбиркорлик субъектига туроператорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тақдим қилинди. Қолаверса, соҳадаги кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш Республикаси маркази томонидан 1060 нафар мутахассис қайта ўқитилди.

Худудий дастурларда белгиланган «Қадимий Бухоро» ва «Самарқанд Сити» туризм зоналарини ташкил қилиш, умумий ҳисобда 450 га яқин лойиҳани амалга ошириш, жумладан,



50 маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилиш, 50 дан орტიқ меҳмонхона қуриш ва қайта тиклаш, 100 га яқин умумий овқатланиш объектларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш мақсадида 20 дан орტიқ давлатнинг ОАВ вакилларининг Ўзбекистонга ташрифлари ташкиллаштирилди. Натيجида 1250 дан орტიқ информацион материаллар босма ва электрон ОАВ нашрларида жойлаштирилди. Ҳозирга қадар 920 дан орტიқ хорижий босма ва электрон ОАВ билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳозирда қўмитанинг <http://uzbektourism.uz/> веб-сайти ҳамда <http://www.facebook.com/uzbektourism.uz> ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали ўзининг интернет фойдаланувчиларига доимий тарзда маълумот бериб борилмоқда. Шу билан бирга соҳага тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича тезкор ва аниқ маълумот олиш мақсадида 2017 йил 4 декабрдан бошлаб қўмитанинг узлуксиз 24 соат фаолият юритидаги «Call Center» (маълумот маркази) ишга туширилди.

Қўмита раисига журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Бугунги кунда кафе ва ресторанларнинг туниги ишлаш вақти чеклангани, яъни кечки соат 23:00 гача ишлаши сайёҳлар учун ноқулайликлар туғдирмоқда. Бу борада ўзгаришлар бўлиши мумкинми?

— Биз бу масала устида ишламоқдамиз. Таклифимиз шундай бўлдики, 24 соат ишлаши истайдиган кафе ва ресторанлар хавфсизлик талабларини юқори даражага кўтариши керак. Бу масала ихтиёрий сертификатлаш усулида ечилди. Хусусан, хизмат кўрсатиш муассасаси tourist-friendly тизими, яъни хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак. Яқин вақтлар ичида 24 соат давомда ишлайдиган кафе ва ресторанлар пайдо бўлади, деб ўйлайман.

— Хорижий сайёҳлар билан суҳбатлашганимизда кўпинча жамоат ҳожатхоналарининг аҳволи яхши эмаслиги тўғрисида эътироз билдиради. Бу борада нима ишлар қилинмоқда?

— Мазкур жараён юзасидан лойиҳа ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши кутилмоқда. Бунга кўра, умумий овқатланиш пунктлари, меҳмонхоналар ва одамлар гавжум бўлган ерларда жойлашган ҳожатхоналар инвентаризация қилинади. Унинг натижаларига биноан, мавжуд ҳожатхоналар қайта таъмирланади ва керакли жойларда янгилари қурилади. Мавжуд шароитларга қараб, хорижий мамлакатларда қабул қилинган қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда, кейинги 2 йил давомида барча ҳожатхоналар «йўл харита»ларига киритилади.

— Хорижий сайёҳлар учун виза ва рўйхатга олиш таъмили соддалаштирилди?

— Бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсам, бугунги кунда яқин тартибдаги

хорижий сайёҳлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона кириш туризм визалари жорий қилинди ва визаларни расмийлаштириш нархи 60 доллардан 40 долларга туширилди. Шунингдек, хорижликлар учун Ўзбекистонга саёҳат қилишни максимал даражада қўлайлаштиришни режалаштирмоқдамиз. Бунинг учун виза режимини бекор қилишга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, шу билан бирга, 5 йриқ мамлакатга визасиз режим йўлга қўйилиб, 45 мамлакат учун виза режими соддалаштирилади.

Вақт чегаралангани учун кўпга ҳамкасбларимиз ўз саволларини беришга улгурмади. Азиз Абдуҳақимов барча саволларга жавоб беришга тайёрлигини айтиб, ОАВ ходимларини қўмита билан яқин алоқа ўрнатишга, амалий ҳамкорлик қилишга чақирди. Қўмита раиси ички туризм ҳақида савол кутганини яширмади. Ҳамкасбларимиз бу ҳақида саволга навбат етмай қолганини айтиб, ҳамкорликка тайёр эканликларини билдиришди.

Бундай матбуот анжуманлари қанча савол берилгани билан эмас, давлат идораларининг ОАВ, кенг жамоатчилик билан очик мулоқот қилишга интилишини кучайтираётгани, уларнинг бу борадаги масъулиятини ошираётгани билан аҳамиятли, албатта. Амалий мулоқот йўлга қўйилса, ҳамма саволларга ўз вақтида жавоб топилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31 м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138. 13956 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:15.
Topshirilgan vaqti — 00:10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6